

**МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ, ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА
ИНСТИТУТИ, ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА МУҲАНДИСЛИК
ГЕОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ, СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.GM.40.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ТУЙЧИЕВ АХМАДЖАН ИСМАЙЛОВИЧ

**СЕЙСМОГЕОДИНАМИК ВА ТЕХНОГЕН ЖАРАЁНЛАРНИНГ
ГЕОФИЗИК МАЙДОНЛАР ВАРИАЦИЯЛАРИДА
НАМОЁН БЎЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

04.00.06 – Геофизика. Фойдали қазилмаларни қидиришнинг геофизик усуллари

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ
доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Content of the abstract of dissertation doctor of science (DSc)

Туйчиев Ахмаджан Исмаилович

Сейсмогеодинамик ва техноген жараёнларнинг геофизик майдонлар вариацияларида намоён бўлиш хусусиятлари.....3

Туйчиев Ахмаджан Исмаилович

Особенности проявления сейсмогеодинамических и техногенных процессов в вариациях геофизических полей.....29

Tuychiev Akhmadjan Ismailovich

Particularities of the manifestation seismogeodynamic and technogenic processes in variation of the geophysical field.....55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....59

**МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ, ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА
ИНСТИТУТИ, ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА МУҲАНДИСЛИК
ГЕОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ, СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.GM.40.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ТУЙЧИЕВ АХМАДЖАН ИСМАЙЛОВИЧ

**СЕЙСМОГЕОДИНАМИК ВА ТЕХНОГЕН ЖАРАЁНЛАРНИНГ
ГЕОФИЗИК МАЙДОНЛАР ВАРИАЦИЯЛАРИДА
НАМОЁН БЎЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

04.00.06 – Геофизика. Фойдали қазилмаларни қидиришнинг геофизик усуллари

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ
доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2020

Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.DSc/FM151 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Сейсмология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз тилларида (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.gpniimr.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Абдуллабеков Кахарбай Насирбекович, физика-математика фанлари доктори, академик
Расмий оппонентлар	Ибрагимов Роман Соломонович физика-математика фанлари доктори Аронов Аркадий Гесселевич физика-математика фанлари доктори Хожиметов Алиназар Ирисметович физика-математика фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	«Ўзбекгеофизика» АЖ

Диссертация ҳимояси Минерал ресурслар институти, Геология ва геофизика институти, Гидрогеология ва муҳандислик геологияси институти, Сейсмология институти, Ўзбекистон миллий университети ва Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.GM.40.01 рақамли Илмий кенгаш асосида Бир марталик Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ куни соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳар, Т. Шевченко кўчаси, 11а-уй. Тел.: (99871) 256-13-49, факс: (99871) 140-08-12, e-mail: info@gpniimr.uz, gpniimr@exat.uz).

Докторлик диссертацияси билан Минерал ресурслар институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100060, Тошкент шаҳар, Т.Шевченко кўчаси, 11а-уй. Тел.: (99871) 256-13-49).

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2020 йил «___» _____ даги _____ реестр баённомаси).

М.М. Пирназаров

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, г.-м.ф.д.

Қ.Р. Мингбоев

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, г.-м.ф.н.

Б.Д. Абдуллаев

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, г.-м.ф.д.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Зилзила қурбонлар сони, келтирадиган ижтимоий-иқтисодий зарарлари миқёси бўйича табиий офатлар орасида етакчи ўринни эгаллайди. Сейсмик фаол минтақаларда жойлашган - АҚШ, Япония, Хитой, Марказий Осиё республикалари, Россия каби мамлакатларда аҳоли ва ҳудудларнинг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш, сейсмобардош қурилиш, кучли зилзилалардан кўриладиган зарарларни камайтириш соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказилади, бу йўналишда давлат миқёсида чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб амалга оширилади.

Бугунги кунда дунёнинг ривожланган давлатларида сейсмик фаол ҳудудлардаги сейсмогеодинамик ва техноген жараёнларнинг геофизик майдонлар вариацияларида намоён бўлиши хусусиятларини аниқлаш бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан зилзилаларни прогноз қилишнинг назарий ва методологик асосларини ишлаб чиқиш; ер қобиғининг кучланган-деформацияланган жойларини аниқлаш ва хариталаш; кучли зилзилалар содир бўлиши эҳтимолини баҳолаш. Уларнинг ечимини топиш сейсмик жараёнлар оқибатида геофизик майдонларда ҳосил бўлувчи турли прогностик ўзгаришларни узоқ ва ўрта муддатли истиқболда сейсмик фаоллашиш эҳтимоли бўлган ҳудудларни прогноз қилиш билан боғлиқ сейсмологиянинг энг муҳим амалий вазифаларини илмий-асосланган ҳолда ҳал қилиш учун қулай шароитлар яратади.

Мамлакатимизда геофизик кузатувлар тармоғи ва прогностик мониторинг тизимини янгилаш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда, жумладан, дунёда илк бор зилзилаларни тайёрланиш жараёнининг тўрт босқичли геофизик модели яратилган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Одамларнинг экологик хавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш»¹ бўйича устувор вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, республикамизнинг сейсмик фаол ҳудудларида сейсмогеодинамик ва техноген жараёнларнинг геофизик майдонлар вариацияларида намоён бўлиши хусусиятларини аниқлаш, зилзилаларни прогноз қилиш ишончилигини оширишга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 июндаги ПФ-5066-сон «Фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизими самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 августдаги ПҚ-3190-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва аҳолисининг сейсмик хавфсизлиги, сейсмик

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

чидамли қурилиш ва сейсмология соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқотиши республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг - VIII. «Ер ҳақидаги фанлар» (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёларни қайта ишлаш) устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи².

Геофизик майдонларда сейсмогеодинамик ва техноген жараёнларни намоён бўлиши хусусиятларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий илмий-таълим муассасаларида, жумладан: Institute of Geophysics and Planetary Physics University of California (АҚШ), Earthquake Research Institute University of Tokyo (Япония), China University of Geosciences (Хитой), Aristotle University of the Saloniki (Греция), Ер физикаси институти (Россия), Марказий Осиё ва Кавказorti давлатларидаги сейсмологик ва геофизик йўналишдаги барча институтларида олиб борилмоқда.

Жаҳонда геофизик майдонларда сейсмогеодинамик ва техноген жараёнларни намоён бўлиши хусусиятларини аниқлаш бўйича ўтказилган илмий тадқиқотларда қатор илмий натижалар олинган, жумладан: зилзилаларни тайёрланиш жараёнининг дилатант-диффузион модели ишлаб чиқилган (University of California, АҚШ); турли даракчи майдонларда зилзилаларни тайёрланиш жараёнининг белгилари аниқланган ва шакллантирилган (Earthquake Research Institute University of Tokyo, Япония); зилзилаларни прогноз қилиш бўйича минтақавий тизимлар яратилган (China University of Geosciences, Хитой); зилзилаларни электрометрик усулда прогноз қилиш усули яратилган (Aristotle University of the Saloniki, Греция); зилзилаларни тайёрланиш жараёнининг шиддатли-нотурғун дарзланиш, консолидацион моделлари ишлаб чиқилган (Ер физикаси институти, Россия); сейсмомагнит эффектнинг тадқиқ қилиш усуллари ва зилзилаларни тайёрланиш жараёнининг тўрт босқичли геофизик модели ишлаб чиқилган (Сейсмология институти, Ўзбекистон).

Ҳозирги кунда жаҳонда қатор устувор йўналишлар бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: турли сейсмотектоник шароитларда ер қобиғининг кучланган-деформацияланган ҳолати юқори зоналарини аниқлаш; ер қобиғидаги сейсмогеодинамик ва техноген жараёнларни геофизик усуллар билан тадқиқ қилиш; турли майдонларда қайд қилинаётган аномаль эффектларнинг морфологияси ва табиатини

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <https://www.nature.com/articles>; <https://link.springer.com/article>; <https://www.sciencedirect.com/science/article>; <https://www.ifz.ru>; <http://www.ucsd.edu>; <http://www.gdirc.ru>; <https://www.afad.gov.tr>; <http://www.cea.gov.cn> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

аниқлаш; зилзилаларни геофизик усуллар билан прогноз қилиш бўйича эксперт тизимларини яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ер қобиғидаги сейсмогеодинамик ва техноген жараёнларни тадқиқ қилишнинг геофизик усулларининг фундаментал асоси бўлиб ферромагнит минераллар магнит хоссаларининг (магнитланишга мойиллиги, қолдиқ магнитланиш ва х.к.) турли босим ва ҳароратларда ўзгариши - пьезомагнит эффекти (F.D.Stacey, Ю.П.Сковородкин, E.Wilson, С.П.Капица, С.В.Вонсовский, Ж.Фридель, С.Х.Максудов) ва электрокинетик ходиса (Э.И.Пархоменко, N.Muzakami, E.C.Безуглая, О.М.Барсуков, Н.И.Гершензон, К.Н.Абдуллабеков) ҳисобланади. Тоғ жинслари ва минералларда пьезомагнит эффектнинг лаборатория экспериментларини Ю.П.Сковородкин, С.Х. Максудовлар ўтказишган. Пьезомагнит эффектнинг табиатда моделлаштириш ерости газ омборлари, йирик сув омборлари, эксплуатация қилинаётган нефт-газ конлари районларида тоғ жинсларига таъсир қилаётган ортиқча босим ёрдамида ўрганилган (К.Н.Абдуллабеков, В.А.Шапиро, А.Н.Козлов, Ф.Х.Каримов, С.Х.Максудов, А.И.Туйчиев).

Ўзбекистон худудида геофизик майдонлар вариацияларида сейсмогеодинамик ва техноген жараёнларни намоён бўлиши хусусиятларини турли йилларда К.Н. Абдуллабеков, Р.Н. Ибрагимов, С.Х.Максудов, С.С.Хусомиддинов, Н.Муталиев, М.Ю.Муминов, Е.Бердалиев, У.А.Нурматов, М.Т.Усманова, И.М.Махкамджанов, А.И.Туйчиев, Т.Хаджиев ва бошқ., шунингдек россиялик етакчи олимлар В.П.Головков, Ю.П.Сковородкин, О.М.Барсуков, Ю.П. Цветков, В.А.Шапиро ва бошқ. тадқиқ этишган.

Бу тадқиқотчиларнинг илмий ишларида геофизик майдонларда геодинамик ва техноген табиатли аномал ўзгаришларни аниқлаш имконияти назарий асосланган, тоғ жинсларида юқори босим ва ҳарорат остида лаборатория экспериментлари ўтказилган, турли сейсмофаол областларда кўп сонли аномал даракчи ўзгаришлар ажратилган, кучли зилзилалар эпицентрал зоналарида тадқиқотлар ўтказилган, аномал даракчи ўзгаришларининг миқдорий характеристикалари олинган, даракчилар параметрларни зилзила параметрларига қараб ўзгаришининг эмпирик боғлиқликлари аниқланган, турли геофизик параметрларни ахборотлилиги баҳоланган, тектоник зилзила тайёрланиш жараёнининг геофизик модели таклиф этилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Сейсмология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ФА-Ф6-Т073 «Зилзилаларни прогноз қилиш тизимини назарий асосларини ишлаб чиқиш», Ф8-ФА-0-69962 «Ғарбий Тиён-Шон геодинамикасини зилзилаларни комплекс прогноз қилиш учун тадқиқ этиш», ФА-Ф-8-006 «Геологик-геофизик методлар комплекси ёрдамида ҳар хил рангдаги (даража) сейсмотектоник структураларнинг кучланганлик-

деформацион ҳолатининг намоён бўлиш хусусиятларини ўрганиш» каби фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади геофизик майдонларда сейсмогеодинамик ва техноген жараёнларни намоён бўлиши хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

геологик-тектоник тузилиши, сейсмик фаоллиги, геоструктуравий шароитлари турлича бўлган ҳудудларда, шунингдек эксплуатация қилинаётган техноген объектларда геомагнит тадқиқотларни ўтказиш;

кўп йиллик маълумотларни локал вариацияларнинг геодинамик ва техноген генезисини аниқлаш мақсадида уларни морфологияси ва динамикасини намоён бўлишини батафсил таҳлил қилиш;

Ўзбекистоннинг сейсмик фаол зоналаридаги геофизик майдонлар вариацияларида сейсмогеодинамик жараёнларни намоён бўлиш хусусиятларини аниқлаш;

Ўзбекистоннинг сейсмик фаол зоналаридаги геофизик кузатувларнинг кўп йиллик қаторларини сейсмик режим параметрлари билан солиштириш;

Ўзбекистоннинг сейсмик фаол зоналаридаги геофизик майдонлар вариацияларида техноген жараёнларни намоён бўлиш хусусиятларини аниқлаш;

регионал ер ёриқлари зоналарида геофизик майдонлар аномал ўзгаришларининг намоён бўлишини макон-замон қонуниятларини аниқлаш;

Чорбоғ сув омбори районида геомагнит майдоннинг локал аномал ўзгаришларининг табиати ва морфологиясини аниқлаш;

геомагнит майдоннинг зилзилалар билан боғлиқ вариацияларини намоён бўлишининг макон-замондаги хусусиятларини аниқлаш;

зилзилалар геомагнит даракчиларининг намоён бўлишини геологик-тектоник шароитларга боғлиқ равишда намоён бўлиш хусусиятларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистондаги геодинамик полигонлар ва йирик техноген объектлар ҳудудлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети геофизик майдонлар вариациялари, сейсмик режим параметрлари ва сейсмик фаол зоналардаги техноген объектлар эксплуатацион параметрларининг макон-замонда ўзгаришлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқотларида анъанавий тарзда қўлланилаётган вақт қаторларининг статистик таҳлили усуллари, ГИС-технологиялар, таснифлаш назарияси усуллари билан бир қаторда қўйилган вазифаларни ечиш учун муаллиф иштирокида ЎзР ФА Сейсмология институтида ишлаб чиқилган юқори аниқликдаги магнитометрик тадқиқотлар усули қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор турли даражадаги ер ёриқлари бортларида ва бевосита ер ёриғи зонасида геомагнит майдоннинг локал ва регионал характердаги вариациялари аниқланган;

Чорбоғ сув омбори ҳудудида сейсмогеодинамик ва техноген жараёнларнинг геофизик майдонда биргаликда намоён бўлиши хусусиятлари аниқланган;

илк бор геомагнит майдоннинг техноген объектлар эксплуатацияси билан боғлиқ бўлган локал вариациялари намоён бўлишининг морфологияси ва динамикасининг батафсил тафсифи олинган (Шўртан ва Ховузак газ конлари районларида);

илк бор йирик Қандим газ кони ҳудудида геодинамик ва техноген жараёнларнинг коннинг эксплуатациясигача ва эксплуатация даврида геофизик майдонларда намоён бўлиши хусусиятлари аниқланган;

ер магнит майдонининг, ер қобиғининг замонавий ҳаракатлари ва бошқа даракчиларнинг аномал ўзгаришлари тўлқинсимон кўринишга эгаллиги аниқланган;

илк бор zilзила даракчиларининг намоён бўлиш радиуси геотектоник бирликлар даражаларининг иерархик тақсимланишига бўйсунishi аниқланган.

Тадқиқотларнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

геодинамик полигонларда ва техноген объектларда геомагнит тадқиқотларни ўтказишнинг юқори аниқликдаги усули ишлаб чиқилган;

техноген объектлар (сув омбори, газ конлари) эксплуатациясининг геофизик майдонлар вариацияларида намоён бўлишининг хариталари тузилган;

геодинамик полигонлар ва техноген объектлар жойлашган ҳудудларда сейсмогеодинамик ва техноген жараёнлар билан боғлиқ бўлган геофизик майдонлар вариациялари намоён бўладиган жойларни ажратиб олиш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг ишончлилиги бир томондан таҳлил қилинган геофизик ва сейсмологик экспериментал маълумотларни тўғри танланиши, бошқа томондан ахборотларни қайта ишлашнинг замонавий статистик усулларни, ГИС-технологияларни, миқдорий усуллар ва компьютер дастурларини қўлланганлиги, олинган натижаларнинг умумий назарий тасаввурлар ва бошқа тадқиқотчилар натижаларига мослиги, геодинамик полигонлар ва техноген объектлар ҳудудларидаги экспериментал тадқиқотларнинг қўп марта қайтарилиши асосида таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти геофизик майдонларда сейсмогеодинамик ва техноген жараёнларни намоён бўлиши хусусиятлари ва қонуниятлари, шунингдек аввал ўрнатилган боғлиқликларни аниқлаштирилиши, даракчиларни намоён бўлиши радиуси ва zilзила магнитудаси ўртасидаги аниқланган боғлиқлик, даракчиларни макон-замонда намоён бўлиши хусусиятларини геологик структуралар ўлчамларига ва уларда кечаётган сеймотектоник жараёнларга боғлиқлиги Ўрта ва Жанубий Тиён-Шон минтақаси геодинамикаси ва кучли zilзилаларга олиб келувчи жараёнлар

тўғрисидаги замонавий тасаввурларни аниқлаштириш ва умумлаштиришдан иборат.

Илмий-тадқиқотнинг амалий аҳамияти диссертация тадқиқотида ишлаб чиқилган методологик ёндошувлар ер қобиғининг кучланган-деформацияланган ҳолатини баҳолашни, Ўзбекистон ҳудудида кучли zilzilalarни узоқ ва ўрта муддатли прогноз қилишни янги сифат даражасида амалга ошириш, бунинг натижасида zilzila келтириши мумкин бўлган зарарларни камайтиришга қаратилган қатор превентив антисейсмик чора-тадбирларни ўз вақтида ўтказиш имкониятини бериши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Геофизик майдонларда сейсмогеодинамик ва техноген жараёнларни намоён бўлиши хусусиятларини аниқлаш бўйича олинган натижалар асосида:

юқори аниқликдаги магнитометрик тадқиқотлар усули Республика сейсмопрогностик мониторинг маркази амалиётига жорий қилинган (Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 2019 йил 30 октябрдаги 2/4/24-2853-сон маълумотномаси). Натижада даракчи аномал ўзгаришларни аниқлашнинг магнитометрик тармоғини оптималлаштириш имконини берган;

геофизик майдонларда сейсмогеодинамик ва техноген жараёнларни намоён бўлиши хусусиятлари Республика сейсмопрогностик мониторинг маркази амалиётига жорий қилинган (Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 2019 йил 30 октябрдаги 2/4/24-2853-сон маълумотномаси). Натижада геомагнит майдондаги даракчи аномал ўзгаришлар ишончилигини ошириш ва республикада жорий сейсмик ҳолатни баҳолаш имконини берган;

даракчиларни намоён бўлиш параметрлари ва zilzila магнитудаси ўртасидаги эмпирик боғлиқликлар Республика сейсмопрогностик мониторинг маркази амалиётига жорий қилинган (Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 2019 йил 30 октябрдаги 2/4/24-2853-сон маълумотномаси). Натижада ер қобиғининг кучланган-деформацияланган ҳолатини янги даражада районлаштириш ва баҳолаш, Ўзбекистон ҳудудидаги $M \geq 5$ кучли zilzilalarни узоқ ва ўрта муддатли истиқболда ишончли прогноз қилиш имконини берган;

«Zilzilalarни магнитометрик усул билан прогноз қилиш бўйича йўриқнома» ҳамда геофизик майдонларда сейсмогеодинамик ва техноген жараёнларни намоён бўлиши хусусиятлари, даракчиларни намоён бўлиш параметрлари ва zilzila магнитудаси ўртасидаги эмпирик боғлиқликлар Фуқаро муҳофазаси институти фаолиятига жорий қилинган (Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 2019 йил 30 октябрдаги 2/4/24-2853-сон маълумотномаси). Натижада «Фавқулодда вазиятларда аҳолини муҳофаза қилиш» мутахассислиги бўйича ўқув жараёнида магистрларда зарур кўникмаларни ҳосил қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларини апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 14 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 55та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, жумладан 13 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Умумий ҳажми 180 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўрта ва Жанубий Тиён-Шоннинг қисқача геологик-геофизик характеристикаси**» деб номланган биринчи бобида геофизик майдонларда сейсмогеодинамик ва техноген жараёнларни намоён бўлиши хусусиятларини ўрганиш бўйича тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказиш учун зарур бўлган тадқиқот районининг геологик-геофизик баёни – геологик-тектоник тузилиши, асосий ёр ёриқлари, геофизик майдонлар, минтақа сейсмиклигининг характеристикалари келтирилган.

Таркибида Қурама, Чотқол, Норин ва Катта Қоратоғ кичик зоналари бўлган Ўрта Тиён-Шон зонаси умумий қалинлиги кембрийгача 6-7 кмни, кембрий, ордовик, девон ва карбон ёшидаги тоғ жинсларидан ташкил топган. Бурмаланишнинг асосий фазаси – ўрта тошкўмир даврида бўлган.

Ўрта Тиён-Шонда йўналиши, чўзилганлиги, ҳосил бўлиш вақти, чуқурлиги ва бошқа хусусиятлари билан фарқланувчи кўпсонли ер ёриқлари ажратилган. Ўрта Тиён-Шонда шимоли-шарқий ва кенглик бўйлаб чўзилган ер ёриқлари кўпроқ, шунингдек шимоли-ғарбий йўналишдагилар ҳам мавжуд (Якубов ва бошқалар, 1978).

В.И.Уломов (1974) алоҳида ер ёриқларини эмас, балки кенглиги 20-30 дан 71-100 кмгача, узунлиги юзлаб километр бўлган зоналар ёки ер ёриқлари зоналарини ажратади. Улар Шимолий Тиён-Шон, Норин, Талас-Фарғона, Жанубий Тиён-Шон, Марказий Қизилқум, Ғарбий Тиён-Шон, Помир-Олой, Марказий Помир ер ёриқлари зоналаридир.

Энг фаоллари бўлиб Жанубий Фарғона, Қуршоб, Шимолий Фарғона, Чотқол-Атойнок, Талас-Фарғона, Жанубий Тиён-Шон, Каржантов ер ёриқлари ва Жанубий Фарғона ва Шимолий Фарғона флексура-узилиш зоналари ҳисобланади (Ибрагимов, 1976). Бу зоналарда 1894 йилдаги Чуст,

1897 йилдаги Ўратепа, 1902 йилдаги Андижон, 1924 йилдаги Қуршоб, 1927 йилдаги Наманган, 1937 йилдаги Пском, 1946 йилдаги Чотқол, 1959 йилдаги Бурчмулла, 1966 ва 2008 йиллардаги Тошкент, 1976 ва 1984 йиллардаги Газли, 1977 йилдаги Исфара-Баткен, Хайдаркон, Товоқсой, 1980 йилдаги Назарбек, 1982 йилдаги Чимион, 1984 йилдаги Поп, 1985 йилдаги Қайроққум, 2011 йилдаги Кон ва бошқа зилзилаларнинг ўчоқлари жойлашган.

Ўзбекистон ҳудудидаги **геомагнит майдон** бир ҳил эмас. Магнит майдон қиймати турли чуқурликларда ётган тоғ жинсларининг магнит хоссаларининг йиғинди таъсири остида ҳосил бўлади. Ўзбекистон ҳудудида геомагнит майдоннинг қуйидаги аномаль областлари ажратилган: изометрик шаклдаги мозаик майдонли Қурама области, Шарқий Қизилқум магнит максимумлари полосаси, Жанубий Тиён-Шон сокин магнит майдони области, Шарқий Фарғона минимум области, Сирдарё сокин майдон области, Амударё чизикли чўзилган полосали аномалиялар области, Бухоро максимумлар полосаси (Таль-Вирский, 1982).

Чўкинди қатламнинг **электр ўтказувчанлиги** учта асосий параметрлар билан белгиланади: чўкинди қатламнинг қалинлиги, унинг ўртача ғовақдорлиги ва ғовақ бўшлиқларини тўлдирган сувнинг минерализацияси. Фарғона ботиклигида 2000 Сименсгача максимал ўтказувчанлик Марказий чўққида кузатилиб, у ерда миоцен ётқизикларининг қалинлиги кичик, сувлар минерализацияси юқори ва плиоцен-тўртламчи ётқизикларда конгломератлар ва тошқотишмалар кам тарқалган.

Юқори протерозой-палеозой бурмаланиш асосининг ётқизиклари электр хоссалари бўйича сезиларли фарқланади. Энг катта қаршилик (10^3 - 10^4 Омм) йирик массивли гранитлар, мрамарлашган охактошлар ва доломитларга хос. Қизилқумнинг марказий кўтарилишидан шарқ томонга Нурота тизмалари орқали Тиён-Шон орогени чегарасигача чўзилган Жанубий Тиён-Шон электрўтказиш аномалияси аниқланган (Таль-Вирский, 1986; Шапиро ва бошқ., 1986).

Тиён-Шоннинг сейсмиклиги геологик-тектоник тузилиши, фаол ер ёриқлари, сейсмоген зоналарнинг мавжудлиги ва Ўртаер денгизи-Осиё сейсмик камарида жойлашганлиги билан белгиланади. Ўрта Тиён-Шоннинг энг муҳим сейсмик хавфли минтақалари ажратилган – Чотқол-Қурама, Туркистон-Олой, Тошкентолди ва Фарғона ботиклиги. Уларнинг чегараларида сеймотектоник структуралар ажратилиб, улар ўз навбатида сейсмоген зоналарга бўлинади. Ўзбекистон ҳудудида қуйидаги энг фаол сейсмоген зоналар ажратилган: Талас-Фарғона, Чотқол-Атойнок, Фарғона, Наманган, Андижон, Жанубий Фарғона, Чотқол, Пскем-Тошкент, Угам-Каржантов, Жанубий Тиён-Шон, Хисор-Кўкшол (Ибрагимов ва бошқ., 2002).

Ўзбекистон ҳудудида сейсмикликнинг 7 мегазонаси ажратилган ва улар учун зилзилаларнинг такрорланиш графиклари қурилган, зилзилаларнинг такрорланиш параметри γ ва сейсмик фаоллиги A_{10} ҳисобланган. Шарқий Ўзбекистонда учта мегазона ажратилган: Тошкентолди ($\gamma=-0,37\pm 0,016$;

$A_{10}=0,037$); Талас-Фарғона ($\gamma=-0,39\pm 0,015$; $A_{10}=0,163$); Фарғона водийси ва унинг тоғли ўрами ($\gamma=-0,49\pm 0,007$; $A_{10}=0,228$). Жанубий Ўзбекистонда Жанубий Ўзбекистон мегазоноси ажратилган ($\gamma=-0,37\pm 0,013$; $A_{10}=0,036$). Ғарбий Ўзбекистон ҳудудида Ғарбий ($\gamma=-0,46\pm 0,003$; $A_{10}=0,007$) ва Шимоли-Ғарбий ($\gamma=-0,41\pm 0,049$; $A_{10}=0,005$) мегазоналар ажратилган. Алоҳида сейсмологик шароитлари сабабли Газли райони алоҳида кўрилган ($\gamma=-0,46\pm 0,013$; $A_{10}=0,74$) (Артиков ва бошқ., 2018).

Диссертациянинг «**Магнитометрик тадқиқотлар методикаси**» деб номланган иккинчи боби аввал ўтказилган ишларнинг тажрибаси ва таҳлили асосида геомагнит тадқиқотларнинг такомиллаштирилган усулини ишлаб чиқишга бағишланган. Бобнинг бошида геологик-геофизик параметрларда аномал эффектларни намоён бўлишини баҳолаш учун аналитик формулалар келтирилган. Аввалги тадқиқотчиларнинг тажрибаси бўйича Ўзбекистоннинг геодинамик полигонлари учун магнит аномалияларининг намоён бўлиш радиуси куйидаги ифодалар билан аниқланади $lgL=0,46M+0,08$ (Абдуллабеков, 1989); $lgL=0,35M+0,04$ (Садовский ва бошқ., 1979; Муминов, 1990). Турли муаллифлар аниқлаган боғлиқликларнинг ўртача қийматларидан фойдаланиш таклиф этилган (Абдуллабеков, Максудов, Туйчиев, 2019). Геомагнит тадқиқотлар комбинацияланган усулда олиб борилган бўлиб, у ўз таркибига алоҳида пунктлардаги стационар режимли кузатувлар ва қайта кузатув пунктларидаги профил ва майдон бўйича кузатувларни олади. Эффектларнинг параметрлари ҳақидаги юқорида келтирилган ва бошқа маълумотларни ҳисобга олиниб майдон ва маршрутлар бўйича қайта кузатувлар ва стационар кузатувлар тизимининг таҳминий параметрлари аниқланди ва қайта баҳоланди (Сейсмическое районирование и методология прогнозирования землетрясений, 2002, 132 б.).

Полигонларда тадқиқотларни ташкил этишда геомагнит майдондаги ўрта ва қисқа муддатли вариацияларни аниқлаш зарур эди. Тошкент, Фарғона ва Қизилқум полигонларидаги такрорий маршрут съёмка пунктлари, ҳамда доимий фаолият юритаётган станциялар тизимида такрорий кузатувлар йилига 3-4 марта ўтказилган. Қисқа муддатли вариациялар фақат доимий фаолият юритаётган стационар станциялар тизимида қайд қилинган.

Сейсмик ва геодинамик табиатдаги аномал вариацияларнинг асосий хусусияти бўлиб уларнинг бир вақтнинг ўзида биргаликда намоён бўлиши, яъни бир пунктнинг ўзида бир вақтда турли чуқурлик ва манбалардан бўлган локал ўзгаришларни мавжудлиги ҳисобланади.

Стационар кузатувларни ташкил этиш учун жой танлашда ва маршрут съёмкалари пунктлари жойларини танлашда тадқиқот районининг сеймотектоник шароити – фаол ер ёриқлари, ер қобиғининг энг янги ва замонавий ҳаракатлари, геофизик майдонларнинг характерлари ҳисобга олиниши керак.

Тажрибалар кўрсатдики, даракчи характердаги аномал вариацияларни ишончли ажратиш учун тадқиқот районида геомагнит майдоннинг узоқ вақтли мониторинги (камида 8-10 йил) ўтказилиши зарур. Модомики,

давомийлиги атиги 10-15 кунлик локал аномал ўзгаришни қайд қилиниш факти мавжуд экан стационар режимли кузатув пунктларида ҳар соатлик, маршрутли ва такрорий майдонли съемкалар учун ҳар 7-10 кунда, дублловчи пунктларда эса ҳар ойда бир марталик кузатувлар оптимал ҳисобланади. Бу режим сейсмик сокин давр учун таклиф этилади. Маълумотлар тўпланган сари, умумий ёки алоҳида ҳудудда сейсмик аҳволни ўзгаришига қараб кузатувлар режими кўпайтириш ёки камайитириш томонига ўзгартирилиши мумкин. Кузатувлар доимий фаолият юритадиган станцияларда ва такрорий кузатув полигонларида синхрон ўтказилади, сўнгра бу станциялар, шунингдек қайта кузатув пунктлари ва ҳар бир станциялар ўртасидаги ΔT градиентлари аниқланади. Ҳар қандай пунктда (ёки пунктлар гуруҳида) локал аномал вариациянинг пайдо бўлиши дарҳол тегишли дублловчи пунктларда назорат қилинади ва аномалиянинг масштаби аниқланади. Аномалиянинг намоён бўлиш ўлчамини аниқлашда зарурат бўлганда бу майдондаги қайта кузатувлар частотасини ўзгартириш мумкин (Сейсмическое районирование и методология прогнозирования землетрясений, 2002, 132 б.).

Шундай қилиб, муҳитни узоқ вақт мониторинг қилиш натижасида тадқиқот қилинаётган ҳудуд геомагнит майдонининг қуйидаги хусусиятлари инобатга олинади:

1) минтақавий характердаги аномал вариацияларнинг намоён бўлиш зонасида бу аномалиянинг морфологияси, динамикаси ва жадаллиги аниқланади;

2) аномал зоналарда ер қобиғининг турли чуқурликларида жойлашган манбаларнинг вариациялари аниқланади;

3) локал, ўтиши ўзига хос бўлган аномал вариациялар намоён бўлган пунктлар аниқланади;

4) техноген объектлар фаолияти билан боғлиқ бўлган локал вариациялар намоён бўлган зоналар аниқланади.

Шундай қилиб, тадқиқот давридаги барча локал аномал вариациялар ҳақидаги батафсил ахборотга эга бўлиб, бошқа геологик-геофизик параметрлардаги аномал намоён бўлишларни ва сейсмик ҳолатни кузатиб бориб намоён бўлган аномал вариациялари даракчи категориясида бўлиши мумкин бўлган стационар ва такрорий съемкалар пунктлари танланади. Бошқа геофизик, гидрогеокимёвий, деформацион параметрлардаги аномал вариациялар билан макон-замоний корреляцияга эга бўлган ҳар бир аномалия синчиклаб текширилади.

Шундай қилиб геомагнит майдондаги у ёки бу аномал вариацияни даракчи характерлиларга киритиш ишончлилиги ортади. Демак, геомагнит тадқиқотлар даврида кузатилган, сейсмиклик билан боғлиқ бўлган локал вариацияларни ажратиб олиш ишончлилиги ҳам ортади.

Техноген объектлардаги геомагнит тадқиқотлар методикаси ҳам доимий фаолият кўрсатаётган станциялардаги кузатувлар ва такрорий кузатув пунктларидаги тез-тез ўтказиладиган съемкалар комбинациясидан иборат.

Таянч сифатида танланган станциялардан бири техноген объект зонасидан ташқарида 5-15 км масофада ўрнатилади. Техноген объект районида доимий кузатув олиб борилувчи станциялар сони объектнинг ўлчамларига боғлиқ ва 1-2 тани ташкил этиши мумкин. Сув омборлари районларида такрорий съемкалар тармоғи сув омбори периметри бўйича маршрутдан иборат бўлади. Пунктлардан бир қисми (умумий миқдордан 20%) акваториядан 1-5 км масофада ўрнатилиши зарур. Такрорий съемкалар пунктлари ўртасидаги масофа 0,5-2,0 км бўлиши керак.

Газ омборлари, нефт-газ конлари худудлари учун станцияларнинг жойлаштириш принципи сақланиб қолади, лекин такрорий съемкалар пунктлари иложи борича техноген объектлар устидаги майдон бўйича бир текис жойлаштирилиши зарур. Пунктлар ўртасидаги масофа 0,5-2,0 км. Бу ерда ҳам пунктларнинг бир қисми техноген объект контуридан ташқарида қўйилиши зарур. Геодинамик полигонлар худудларидаги геомагнит тадқиқотлар пунктларидан фарқли равишда техноген объектлар худудларидаги стационар пунктлар ва такрорий съемкалар пунктлари қўшимча пункт билан дублланмайди, чунки пунктлар бир бирига яқин жойлашган бўлади. Лекин, техноген объектлардан ташқарида жойлашган стационар кузатув пунктлари 0,5-1,0 км масофада жойлашган қўшимча такрорий съемка пункти билан дублланиши зарур. Бир вақтнинг ўзида улар доимий фаолият кўрсатаётган умумий тизимга қўшилади. Бу станциялардаги такрорий кузатув пунктларидаги съемкалар оралиғидаги кузатувлар режими худди геомагнит полигонларидаги каби соатига бир марта қилиб белгилаш таклиф этилади. Такрорий кузатувлар пунктларида съемка ўтказиш вақтида кузатувлар режими 2÷10 минутда бир мартагача тезлашиши мумкин. Такрорий кузатувлар пунктларида съемка ўтказиш режими бошланғич даврда бошқа худудлардаги каби 7-10 кунда бир марта қилиб белгиланади. Маълум бир вақтда маълумотлар тўплангандан сўнг, ҳар бир техноген объектнинг тури ва эксплуатация режимини инобатга олиб такрорий съемкаларнинг алоҳида режими танланиши мумкин (Сейсмическое районирование и методология прогнозирования землетрясений, 2002, 132 б.).

Ўзбекистоннинг геомагнит полигонларидаги узоқ муддатли геомагнит тадқиқотлар натижасида юқорида келтирилган, стационар режимли кузатувлар ва такрорий майдоний съемкалар комбинациясидан ташкил топган методика ишлаб чиқилган, ўзлаштирилган ва синалган (Сейсмическое районирование и методология прогнозирования, 2002, 132 б.; Абдуллабеков, Туйчиев, 2004, 2019). Ушбу методика абсолют магнитометрларни ва юқорида қайд этилган усулларнинг комбинациясини қўлланиши ҳамда кузатув пунктларини энг мақбул миқдорини танлаш сабабли юқори аниқликдаги деб ҳисобланади. Методика тадқиқ қилинадиган худудларнинг чизиқли параметрлари, сигналларнинг кутилаётган катталиклари ва магнит майдонидаги аномал ўзгаришларнинг давомийлигидан келиб чиқиб алоҳида вазифаларни ечиш учун осон ўзлаштирилиши мумкин. Тадқиқотлар даврида геомагнит майдон тўлиқ вектори модулини ўлчаш ТМП, МВ-01, Geometrics-

856 протон-прецезион магнитометрлари (такрорий кузатув пунктларида) ва МПП-1М, МВ-01 магнитовариацион станциялар (стационар кузатувларда) амалга оширилди. Бу магнитометрларнинг паспорт аниқлиги 0,1-0,2 нТл.

Диссертациянинг «**Геомагнит майдоннинг Ер қобиғидаги сейсмогеодинамик жараёнлар билан боғлиқ бўлган локал ўзгаришларини тадқиқ этиш натижалари**» деб номланган учинчи бобида Ўзбекистон худудидаги геомагнит тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Ўзбекистон худудида геомагнит майдоннинг ер қобиғидаги сейсмогеодинамик жараёнлар ва техноген объектларни эксплуатацияси билан боғлиқ бўлган локал ўзгаришларининг мақсадли тадқиқот қилиш 1968 йилдан бошланган.

Тошкент, Фарғона, Қизилқум геодинамик полигонларида, стационар кузатув пунктлари тармоғида, содир бўлган кучли зилзилалар эпицентрал зоналарида, техноген объектлар районларида ва бошқаларда сейсмомагнит эффектнинг узок муддатли тадқиқотлари натижасида геомагнит майдоннинг зилзилалар ва ер қобиғидаги бошқа жараёнлар билан боғлиқ кўп сонли аномал ўзгаришлари қайд қилинган (Абдуллабеков, 1989; Абдуллабеков, Туйчиев ва бошқ., 1975, 1978, 1981, 1982, 1983, 1984, 1986, 1994, 2010, 2012, 2013, 2014, 2015, 2016, 2017, 2018, 2019; Муминов, 1990; Туйчиев, 2007, 2016). Бу тадқиқотларнинг натижалари муаллифнинг ҳаммуаллифлари билан чоп эттирган кўп сонли нашрий ишларида батафсил ёритилган. Бу турдаги вариацияларнинг макон-замонда намоён бўлишининг хусусиятлари диссертациянинг якуний бобида ёритилган. Бу бобда асосий эътибор геомагнит майдоннинг сейсмиклик билан боғлиқ бўлмаган вариацияларига қаратилган.

Ўзбекистоннинг геодинамик полигонлари худудларида аниқланган сейсмомагнит эффектлар билан бир қаторда геомагнит майдоннинг сейсмиклик билан корреляция қилмайдиган кўплаб аномал ўзгаришлари ажратилган. Хусусан, геомагнит майдоннинг бу турдаги аномал ўзгаришлари 1973-1974 йилларда Фарғона ботиқлигининг тоғолди қисмида қўйилган катта ёпиқ маршрутнинг иккита қисмида (Абдуллаев ва бошқ., 1974) ва Чимион-Кон маршрути бўйича ўтказилган геомагнит тадқиқотларда аниқланган. Такрорий кузатувлар пунктларидаги ΔT нинг дастлабки 7та цикл кузатувлари натижасида маршрутнинг бошқа пунктларидаги ΔT ўзгариш характери ўзгача бўлган иккита қисми ажратилган. Бу маршрутнинг МП-41 пунктдан МП-49 пунктигача ва МП-115 пунктдан МП-125 пунктигача бўлган қисмларидир. Геомагнит майдоннинг ΔT 1973 йил декабридан 1974 йил майигача, 1974 йилнинг июн-сентябр ойларидаги даврдаги аномал ўзгаришларининг шакли ва белгиси бўйича пунктлар уч гуруҳга бўлинган: I – гуруҳ (МП 41-43), геомагнит майдоннинг ΔT 1973 йил декабридан 1974 йил майигача даврдаги аномал ўзгаришлари - мусбат; II - гуруҳ (МП 46-49), геомагнит майдоннинг ΔT 1973 йил декабридан 1974 йил майигача даврдаги аномал ўзгаришлари - манфий; III – гуруҳ (МП 44-45), дастлабки иккита гуруҳ ўртасида жойлашган, ΔT аномал ўзгаришлари характери билан бу гуруҳларга

киритилмаган пунктлар киритилди. Бу пунктлардаги ΔT ўртача ўзгариш амплитудаси тадқиқотлар даврида нолга (МП-44) ёки $-1-2\text{нТл}$ (МП-45) тенг бўлиб, камайишга сезиларсиз тренд кузатилди. Такрорий кузатувлар пунктларини жойлашишини Фарғона ботиклиги жанубининг тектоник тузилиши харитасида кўрилганда ажратилган "I" ва "II" гуруҳлар Жанубий Фарғона ер ёриғининг турли бортларида, учинчи гуруҳ эса ер ёриғи зонасида жойлашганлиги маълум бўлди.

Геомагнит майдоннинг худди шундай аномал ўзгаришлари Чимион-Кон маршрутида ўтказилган кузатувларнинг 18 цикли натижалари бўйича аниқланди. ΔT аномал ўзгаришларининг характери ва белгиси бўйича маршрутнинг пунктлари уч гуруҳга бўлинди: «А» гуруҳи - ΔT манфий ўзгарган пунктлар, маршрутнинг шимолий қисмида жойлашган («Хонқиз», ЧК-1, ЧК-2); «Б» гуруҳи- ΔT мусбат ўзгарган пунктлар, маршрутнинг жанубий қисмида жойлашган (ЧК-4, ЧК-5, ЧК-6). Такрорий кузатувлар пунктларини жойлашишини Фарғона ботиклиги жанубининг тектоник тузилиши харитасида кўрилганда «А» ва «Б» гуруҳлар Жанубий Фарғона ер ёриғининг турли бортларида, учинчи гуруҳ эса ер ёриғи зонасида жойлашганлиги маълум бўлди. Демак, Жанубий Фарғона ер ёриғининг турли бортларида жойлашган пунктлар гуруҳида ΔT ўзгариши вақт бўйича тескари фазага эгаллиги сабабли ушбу район ер қобиғининг блокли тузилиши ҳақида фикр юритилиши, ер ёриғи зонасини ва унинг кенглигини аниқлаш мумкин.

1977 йил 6 декабрдаги Товоқсой zilзиласининг ($M=5,3$) эпицентрал зонасида ҳозирги вақтгача юқори аниқликдаги батафсил геомагнит ва геодезик тадқиқотлар ўтказилмоқда. Тадқиқот райони геологик-тектоник жиҳатдан кенглик бўйича чўзилган минтақавий Каржантов ер ёриғининг меридионал йўналишдаги кичикроқ Товоқсой ер ёриғи билан кесишган зонаси эканлиги сабабли қизиқиш уйғотади. Тадқиқотлар Товоқсой ер ёриғи бўйлаб қўйилган 9 нивелир реперли профил бўйича ва 6 триангуляцион пунктларда ўтказилади. Пунктлар Каржантов ва Товоқсой ер ёриқларининг турли бортларида жойлашган. Ўтказилган геомагнит ва геодезик тадқиқотлар натижасида қуйидагилар аниқланди:

- Товоқсой ер ёриғининг ўнг борти бўйича геомагнит майдоннинг сезиларсиз амплитудали ($1-5\text{нТл}$) аномал ўзгаришлари. Бу ўзгаришлар геодезик маълумотлар билан корреляция қилмайди;

- Товоқсой ер ёриғининг бевосита зонасидаги геомагнит майдоннинг сезиларли ($10-15\text{нТл}$) аномал ўзгаришлари. Бу ўзгаришлар геодезик маълумотлар билан яхши корреляцияда;

- Каржантов ер ёриғининг ўнг бортида жойлашган пунктлардаги геомагнит майдоннинг ΔT жадаллиги ва ўзгариш шакли бўйича турлича ўзгаришлари, улар ер сатҳининг горизонтал ва вертикал ҳаракатлари билан корреляция қилмайди.

Тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, Товоқсой полигонининг кичик худудида шакли ва амплитудаси бўйича турлича бўлган, бир бирини такрорламайдиган локал ўзгаришлар кузатилади. Бу натижа

сейсмопрогностик геомагнит тадқиқотлар усулини такомиллаштиришда катта аҳамиятга эга.

Сейсмиклик билан боғлиқ бўлмаган аномал ўзгаришлардан яна бир тури 1984 йил 19 мартдаги Газли зилзиласининг ($M=7,2$) эпицентрал зонасида ўтказилган геомагнит тадқиқотларда аниқланган. 1984 йил Газли-Цветуший-Жонгелди маршрути бўйича қўйилган такрорий геомагнит кузатувлари пунктларидаги тадқиқотлар натижалари бўйича маршрутнинг Газли-Цветуший қисмидаги МП-5-МП-8 пунктларида ва маршрутнинг Цветуший-Жонгелди қисмидаги МП-9-МП «Джангельди» пунктларида жадаллиги 15 нТлгача бўлган аномал ўзгаришлар аниқланди. Геомагнит майдондаги аномал ўзгаришларнинг табиатини аниқлаш учун тадқиқот натижалари ΔT ҳар бир пунктда аномал ўзгариши характери бўйича гуруҳланди. Бунинг учун корреляцион матрица ҳисобланди ва юқори корреляция коэффициентига эга бўлган, бир бирига яқин жойлашган пунктлар алоҳида гуруҳларга ажратилди.

Маршрутнинг Газли-Цветуший қисмида уч гуруҳ ажратилди: 1- гуруҳ, аномал ўзгаришлар синусоида шаклида, майдоннинг камайишига кичик тренд билан, жадаллиги - 6 нТл; 2 – гуруҳ, аномал ўзгаришлар манфий белгили бухтасимон шаклда, майдоннинг камайишига кичик тренд билан, жадаллиги -9 нТл; 3 – гуруҳга фақат МП-5 пункти кириб, унда аномал ўзгаришлар мусбат белгили бухтасимон шаклга ва майдоннинг ўзгаришига сезиларли трендли, жадаллиги +15 нТл. Ажратилган гуруҳлардаги геомагнит майдоннинг аномал ўзгаришлари табиатини аниқлаш учун тадқиқотларнинг натижалари иш районининг тектоник тузилиш харитаси билан солиштирилди (Ахмеджанов ва бошқ., 1978). Солиштириш натижалари шуни кўрсатдики, маршрутнинг Газли-Цветуший қисмидаги МП-1-МП-8 пунктларида геомагнит майдоннинг қайд қилинган аномал ўзгаришлари ~ 20 км кенгликка эга ва бизнингча такрорий кузатувлар маршрутини кесиб ўтувчи Форс-Балхаш линеаментининг ер ёриғи зонасида ҳамда турли бортларида содир бўлаётган геодинамик жараёнлар билан боғлиқ. Магнитометрик тадқиқотлар натижалари бўйича бу линеамент Цветуший поселкасидан 10 км жанубда жойлашган.

Маршрутнинг Цветуший-Жонгелди қисмида уч гуруҳ ажратилди: 1- гуруҳ, аномал ўзгаришлар синусоида шаклида, мусбат белгили, майдоннинг кўпайишига кичик тренд билан, жадаллиги - +8; 2 – гуруҳ, аномал ўзгаришлар манфий белгили синусоида шаклида, майдоннинг камайишига кичик тренд билан, жадаллиги - -9 нТл; 3 – гуруҳга фақат МП-14 пункти кириб, унда аномал ўзгаришлар мусбат белгили синусоида шаклга ва майдоннинг камайишига сезиларсиз трендли, жадаллиги -2 нТл. Ажратилган гуруҳлардаги геомагнит майдоннинг аномал ўзгаришлари табиатини аниқлаш учун тадқиқотларнинг натижалари иш районининг тектоник тузилиш харитаси билан солиштирилди (Ахмеджанов ва бошқ., 1978). Солиштириш натижалари шуни кўрсатдики, Цветуший-Жонгелди маршрутнинг МП-9 - МП-«Жонгелди» пунктларида қайд қилинган

геомагнит майдоннинг аномал ўзгаришлари ~50 км кенгликка эга ва бизнингча такрорий кузатувлар маршрутини кесиб ўтувчи Жанубий Тиён-Шон ер ёриги зонасида ҳамда турли бортларида содир бўлаётган геодинамик жараёнлар билан боғлиқ. Магнитометрик тадқиқотлар натижалари бўйича бу ер ёриги Цветуший поселкасидан 25 км шимолда жойлашган.

Шундай қилиб, геомагнит усулдаги тадқиқотлар натижалари бўйича ер қобиғининг блокли тузилишини ўрганиш, тектоник структураларнинг ўтган жойини аниқлаш мумкин.

Диссертациянинг «**Геомагнит майдон вариацияларида техноген жараёнларнинг намоён бўлиш хусусиятлари**» деб номланган тўртинчи бобида Ўзбекистондаги техноген объектларда ўтказилган геофизик тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Техноген объектлардаги геофизик тадқиқотлар бу объектларнинг эксплуатация қилинишида ҳосил бўладиган ўзгарувчан юкланишларни ушбу объектдаги ер қобиғининг геостатик мувозанатига таъсирини ўрганиш мақсадида ўтказилган. Тадқиқотларнинг бошқа мақсади бўлиб зилзилаларни тайёрланиш жараёнини ва бу жараённинг магнит майдон вариацияларида акс этишини тушуниш учун муҳим бўлган магниттаранглик эффектини табиий шароитларда моделлаш ҳисобланади. Тадқиқотлар Чорбоғ сув омбори районида, Шўртан газ-конденсат кони, Памуқ-Зеварда нефтгазли структуралар ҳудудларида, Ховузак-Шоди ва Қандим газ конлари ҳудудларида ўтказилган.

Чорбоғ сув омбори мураккаб тектоникали ва юқори сейсмикли районда жойлашган. Сув омборининг эксплуатация қилишнинг бир йиллик циклида омбордаги сув ҳажми 100 дан 2000 млн.м³ гача ўзгаради ва остидаги тоғ жинсларига йўналтирилган қўшимча ўзгарувчан гравитацион юкланишларни ҳосил қилади. Бу эса сув массаси ҳисобига яратиладиган гравитацион юкланиш ҳосил қиладиган эластик кучланишлар динамикаси сабабли геомагнит майдонда бўлаётган локал ўзгаришларни ўрганиш имконини беради. Чорбоғ сув омбори акваторияси бўйича дастлабки такрорий геомагнит кузатувлар пунктлари 1973 йил декабрда қўйилган. Турли йилларда пунктлар сони турлича бўлиб 15 дан 25 гача ўзгарган. Шунингдек бир йилдаги кузатувлар цикли ҳам 2 дан 8 тагача ўзгарган. 1973-2019 йиллар даврида 120 дан ортиқ кузатув цикллари ўтказилган.

Чорбоғ сув омбори ҳудудида ўтказилган геомагнит тадқиқотлар натижалари бўйича қуйидагилар аниқланган:

- 1973-1978 йилларда сув омборидаги сув ҳажмининг ва геомагнит майдон вариацияларининг тескари фазали ўзгаришлари, яъни сув ҳажмининг кўпайиши геомагнит майдон қийматини камайишига олиб келган. Геомагнит майдоннинг тескари фазали ўзгаришлари сув сатҳини ўзгариши градиентининг ер қобиғига таъсири оқибатида ҳосил бўлган (1.5 м/сут, $H_{\max}=105$ м. ва $H_{\min}=75$ м бўлганда)(Бердалиев, 1980);

- 1978 йилда сувнинг максимал сатҳи ($H=146$ м) йиғилди ва 14,7 барга тенг юкланиш 19 ой мобайнида ер қобиғига таъсир қилди. Бу юкланишнинг

таъсири натижасида чуқур горизонтларда (3-5км) босим градиенти ошди, сув ҳажмининг эффектив кучланиши камайди. Бу даврда сув сатҳи градиентини ўзгариши 6 мартага пасайди. Бу эса сув омборидаги сув сатҳи ва геомагнит майдон ўзгаришларининг синфазали боғлиқлигига олиб келди;

- такрорий кузатувлар пунктларининг кўпчилигида геомагнит майдоннинг сув омбори эксплуатацияси билан боғлиқ бўлган ўзгаришлари аниқланган. Пунктлардаги аномал ўзгаришларнинг амплитудаси 1-2 нТл дан 4-6 нТл гачани ташкил этди. Геомагнит майдоннинг тескари фазали ва тўғри фазали ўзгаришлари қайтувчи характерга эга;

- сув ҳажмининг $1 \cdot 10^9$ м³ ўзгариши магнит майдоннинг $\pm 2-6$ нТл ўзгаришига олиб келади;

- Чорбоғ полигонидаги геомагнит майдоннинг локал ўзгаришлари нафақат сув омборида тўпланаётган сув ҳажмининг ўзгариши, балки минтақадаги зилзилаларнинг тайёрланиш жараёнлари ёки сейсмик фоолликнинг фазаларини ўзгариши сабабли содир бўлади;

Техноген объектларда янада батафсил натижаларни олиш учун 1991 йилда йирик Шўртан газ-конденсат кони районида юқори аниқликдаги геомагнит тадқиқотлар ўтказилди. Кон ҳудудидаги геомагнит тадқиқотлар 30та такрорий кузатувлар пунктларида ва кузатувлар дискретлиги 1 соатлик режимда ишловчи автоном протон магнитометрлар ўрнатилган 2та стационар пунктда ўтказилди. Бу магнитометрлардан бири кон структураси устида («Шўртан-1»), иккинчи таянч станция эса биринчисидан 25 км шимолроқ масофада ўрнатилди («Шўртан-2»).

Шўртан газ-конденсат кони районидаги стационар кузатувлар натижалари бўйича қуйидагилар аниқланди; «Шўртан-2» (таянч) ва «Улуғбек» станциялари ўртасидаги магнит майдон қийматининг ΔT ўзгариши пасайишга сезиларсиз трендга эга, 5 ой давомида, асосан апрел-июнда у 3 нТлни ташкил этди. ΔT нинг энг катта ўзгаришлари «Улуғбек» ва кон гумбази устида жойлашган «Шўртан-1» станциялари ўртасида кузатилиб, уч ой ичида кон устидаги геомагнит майдон 7 нТлга камайди. Кон устида геомагнит майдоннинг ΔT камайиш тенденциясини такрорий кузатувлар пунктларидаги натижалар ҳам тасдиқлади. Такрорий кузатувларнинг 3 цикли натижалари бўйича такрорий съемкалар пунктларида 5 ой мобайнидаги майдоннинг ўртача камайиши 9 нТл ташкил этди. Бу камайиш кон эксплуатацияси параметрлари – олинган газ ҳажми ва қатлам босимини ўзгариши билан корреляцион алоқага эга.

Шўртан газ-конденсат кони районида 30та такрорий кузатувлар пунктларида учта кузатув цикли ўтказилди. Бу пунктлардаги тадқиқотлар натижасида кон гумбази устида геомагнит майдоннинг ΔT манфий белгили ўзгаришлари кузатилиши аниқланган. Бу тенденция икки цикл кузатувлардан сўнг аниқланган эди, учинчиси бунинг мавжудлигини тасдиқлади. Кон гумбазидан ташқарида мусбат белгили ўзгаришлар кузатилади. Такрорий кузатувлар пунктларида ΔT ўзгариш графикларини ва кон эксплуатацияси параметрларини (олинган газ ҳажми Q ва қатлам босимини ўзгариши P)

қийёсланганда улар ўртасидаги шубҳасиз корреляцион алоқа аниқланди ва у мувофиқ равишда Q ва P учун 0,98 ва 0,95 ташкил этди.

Шундай қилиб, Шўртан газ-конденсат кони устидаги тадқиқотлар натижалари бўйича геомагнит майдоннинг макон ва замондаги локал ўзгаришлари коннинг эксплуатацияси параметрларига (олинган газ ҳажми Q ва қатлам босимини ўзгариши P) боғлиқлиги аниқланди.

Памуқ-Зеварда нефтгазли структуралар гуруҳи худудидаги геомагнит тадқиқотлар 1998-1999 йиллар Памуқ, Зеварда, Алан, Култак газ конлари ва Кўкдумалоқ нефт кони районида ўтказилди. Тадқиқотларнинг мақсади бўлиб бу конлар эксплуатацияси жараёнини минтақа геостатик майдонига таъсирини геомагнит усул билан ўрганиш эди. Геомагнит кузатувлар пунктлари геодезик реперлар билан бир жойда қўйилди. Такрорий кузатувларнинг учта цикли ўтказилди ва уларнинг натижасида қуйидагилар аниқланди:

- Зеварда, Алан, Култак, Кўкдумалоқ конлари структуралари устида геомагнит майдоннинг ΔT жадаллиги -17 нТлгача бўлган паст қийматлари кузатилди. Структуралардан ташқарида ΔT нинг юқори қийматлари кузатилади;

- Памуқ кони устида магнит майдонининг қийматлари шимол йўналишида монотон ошиб боровчи ўзгаришлари кузатилди;

- Зеварда, Култак конлари устидаги замонавий вертикал ҳаракатларнинг минимал қийматларига Δh геомагнит майдоннинг ΔT минимал қийматлари мувофиқ келади, яъни конлар структуралари устида ΔT ва Δh нинг корреляциявий ўзгаришлари кузатилади;


- конларни эксплуатация қилиш билан боғлиқ бўлмаган геомагнит майдоннинг минтақавий характердаги секин аномал ўзгаришлари кузатилди.

Ховузак-Шоди ва Қандим конлари худудларидаги геофизик тадқиқотлар 2006 йилдан бошлаб ўтказилади. **Биринчи босқич.** 2006 йилда «ЛУКОЙЛ Узбекистан Оперейтинг Компани» МЧЖ буюртмасига асосан Денгизқўл газ-конденсат конининг Ховузак-Шоди участкасида унинг эксплуатациясини сейсмогеодинамик шароитга таъсирини ўрганиш ва техноген ва тектоник табиатли zilзила даракчиларини қидириш мақсадида геомагнит тадқиқотлар ўтказилди. 35та такрорий кузатувлар пункти, иккита стационар станция ўрнатилди. Такрорий кузатувлар пунктларидаги ўлчашлар цикли – чоракда бир марта, стационар станцияларда эса соатига бир марта.

